

Дабдабозлик - иллат



19:07 / 03.11.2018 2485

Рухий қоидалар кўпгина лаззатлардан ва бадан хоҳлаб турган нарсалардан воз кечишни талаб қилади. Бу эса дабдабозликка, ҳойи ҳавасга берилган кишиларда содир бўлиши қийин. Чунки бундай ҳашаматчилик ўз эгасининг иродасини заифлаштириб қўйган бўлиб, у доимо лаззат ичида бўлишни хоҳлайди, янги уфқларга назар солмайди, ўз халқининг тараққиёти ва гуллаб-яшнаши учун қайғурмайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ исрофчиларни, дабдабозларни ҳар бир яхшиликнинг душмани, ҳақиқатни кўра билмайдиганлар, доимо унга қарши турадиганлар, деб сифатлаган. Бундай кимсалар ҳар бир даврда Аллоҳнинг пайғамбарларига қарши чиққанлар.

Аллоҳ таоло Сабаъ сурасида шундай марҳамат қилади:

بِمَا إِنَّا مَتَرْنَاهَا قَالِ إِلَّا نَذِيرٍ مِّن قَرْيَةٍ فِي أَرْسَلْنَا وَمَا

وَأَوْلَادًا أَمْوَالًا أَكْثَرُ نَحْنُ وَقَالُوا ﴿٣٤﴾ كَفَرُونَ بِهِ أَرْسَلْتُمْ

بِمُعَذِّبِينَ نَحْنُ وَمَا ﴿٣٥﴾

«Қайсики бир шаҳар-қишлоққа огоҳлантирувчи юборсак, албатта, унинг маишатбозлари: «Албатта, сиз ила юборилган нарсага куфр келтирувчилармиз», дедилар. Улар: «Бизнинг мол-дунёмиз, болачақамиз кўпроқ. Биз азобланувчи эмасмиз», дерлар» (34-35-оятлар).

Аллоҳ таоло яна уларни «турғун ҳолатдагилар», «тақлид қилувчилар» деб сифатлаган. Улар ҳеч қандай янгиликка эътибор қилишмайди. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга қарата Қуръони каримнинг Зухруф сурасида шундай дейди:

مُتْرَفُوهَا قَالَ إِلَّا نَذِيرٍ مِّن قَرْيَةٍ فِي قَبْلِكَ مِن أَرْسَلْنَا مَا وَكَذَلِكَ

مُقْتَدُونَ ءَأَثَرِهِمْ عَلَىٰ وَإِنَّا أُمَّةٌ عَلَىٰ ءَابَاءِنَا وَجَدْنَا إِنَّا



«Худди шунингдек, сендан илгари ҳам қайси бир шаҳар-қишлоққа огоҳлантирувчи юборсак, албатта, унинг маишатпарастлари: «Албатта, биз ота-боболаримизни бир динда топдик ва албатта, биз уларнинг изларидан эргашувчилардирмиз», дедилар» (23-оят).

Дабдабабозлар ёмон ишларга ҳар доим тайёр турган кишилардир. Чунки уларнинг қоринлари тўқ бўлиши, лаззатга берилишлари, чўнтаклари пулга тўла бўлиши ҳаётдаги ягона мақсадларидир. Буюк француз адиби Монтескье шундай деган эди: «Ҳашаматчилик республикачиликнинг икки турига ҳам фасодни келтиради. Демократчиликда кишиларнинг ватанпарварлик руҳини кетказди. Аристократларда эса обрўли кишиларни шахсий манфаатлари ортидан юришга мажбур қилади. Шу билан барча офатга учрайди».

Қуръони каримда эса ҳашаматчилик ва исрофгарчилик барча умматларни ҳалокатга олиб келгани қайта-қайта таъкидланади. Шунинг учун ҳашаматчилар ва уларнинг фасодларига қарши уруш очиш, уларни қонун чегарасидан чиқармаслик лозим. Акс ҳолда фақат ҳашаматчининг ўзигина эмас, балки унга йўл очиб берган жамият аъзолари ҳам биргаликда ҳалокатга учрайдилар.

...Дабдабабозлик ва ҳашаматчилик ҳар бир миллатда кўплаб кишиларнинг камбағал, оч-ночор бўлишига сабаб бўлади. Жамиятнинг баъзи бир аъзолари эҳтиёжлари учун зарурий нарсаларни топа олмай, оч-ночор юрсалар-у, бошқа бир аъзолари ҳашаматчилик, дабдабабозлик билан

машғул бўлсалар, орада келишмовчилик чиқиши шубҳасиз. Бу эса бориб-бориб ўзаро курашга айланиши, жамиятни ҳалокатга учратиши мумкин. Шунинг учун ҳам Аллоҳ дабдабабозларни **«золимлар ва жиноятчилар»** деб атаган.

Афсуслар бўлсинким, бизнинг асримизда мол-дунё учун кураш ниҳоятда авж олиб кетди. Бу эса одамларни Аллоҳдан ва яхши хулқлардан узоқлаштирди ҳамда бугунги кунда оламнинг бошига кўпгина ташвишлар келтираётган муаммоларни вужудга келтирди. Қуръон таълимотлари худди шу иллатнинг зарарларини баён қилиш, одамларни мол-дунёга бутунлай берилиб кетишдан қайтаришга қаратилган. Чунки ҳаромдан топилган мол-дунё кишини йўлдан оздиради, диндан чиқаради, Аллоҳни унуттиради.

“Иймон” китобидан